

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СОЛИҚ ВА СУҒУРТА ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

АДИЛОВ ШЕРЗОД МИРКАМАЛОВИЧ

**СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**5341300 – “Суғурта иши” таълим йўналиши
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ТОШКЕНТ-2011

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Сўнгги йиллар мобайнида суғурта тизимини ривожлантириш ва уни ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватлаш доимо диққат-эътиборида бўлиб қолмоқда. Хусусан, 2008 йилнинг 22 октябрида “Транспорт воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2009 йилнинг 17 октябридан кучга кирган “Иш берувчининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилиниши суғурта бозорининг ривожланишини янги босқичини бошлаб берди. Бу ўз навбатида янги суғурталовчилар фаолиятини ташкил этилишига олиб келди. 2010 йилда Ўзбекистон миллий суғурта бозорида 33 та суғурталовчи компания фаолият кўрсатаётган бўлса, 2011 йилга келиб эса 34 та суғурталовчи компания ўзининг суғурта хизматлари билан иштирок этиб келмоқда. 2009 йилда Ўзбекистон миллий суғурта бозоридаги суғурта хизматларини ҳажми эса 25.6 фоизга кўпайди¹. Бунини шундай изоҳлаш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётида жаҳон молиявий инқирози таъсирини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар жуда мустаҳкам йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Ҳозирда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8.1 фоизни ташкил этган бўлса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9.0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5.7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16.6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12.9 фоизга ошди². Шунингдек ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13.4 фоиз ўсишга, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисобланганда, қариб 20 баробар ошди. Биз бу борада мобил алоқа, интернет, видеотелфон тизими, рақамли телевидения, замонавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

² Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз деб таъкидлади Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузасида³.

Малакавий иш мавзусини ўрганилганлик даражаси - суғурта фаолияти ва суғурта ташкилотларини ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, шунингдек, Т.Иминов, А.Икромов, М.Мирсодиқов, Ҳ.Собиров, Ш.Имомов, Ҳ.Шеннаев, Т.Боймуратов, А.Нуруллаев ва бошқаларнинг илмий ишларини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг мақсади – суғурта ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги – Суғурталовчиларни асосий фаолият кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида уларни ташкилий шакли бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти – суғурта фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Малакавий ишнинг предмети – Суғурталовчиларни асосий фаолият кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари – хориж ва МДҲ давлатлари иқтисодчиларининг, шу жумладан мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг, суғурта фаолиятини ташкил қилиш бўйича амалга оширилган илмий ва амалий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларидан, Республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан кенг фойдаланилган.

Ишнинг таркибий тузилиши - кириш, 3 та боб, асосий мазмунини ёритувчи 6 та савол, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

³ Prezident Islom Karimovning 2010 yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2011 yilga mo'ljallangan eng muhim ustuvor yo'nalishlarga bag'ishlangan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi

I Боб. Суғурта фаолияти ва суғурта ташкилотларининг ташкилий-хуқуқий асослари

1.1 Суғурта фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари.

Маълумки ҳар бир соҳа бўладими ёки фаолият бўладими унинг ўзига хос йўналиши ва унга боғлиқ характери бўлади. Бу нафақат маълум бир соҳа ёки фаолиятда балки юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларда ҳам мавжуд бўлади. Шундай экан суғурта фаолиятининг асосий характерловчи белгиси бу – рискни мавжудлиги билан ифодалаш мумкин. Шунинг учун суғурта фаолияти молия тизимини бир шакли ҳисобланса лекин унинг суғурта фаолиятидаги характерини тенглаштириб бўлмайди. Чунки суғурта деганда бу - табиий ва бошқа стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш, олдини олиш ҳамда оғоҳлантириш учун мақсадли йўналишдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Баъзи бир иқтисодчи олимлар, хусусан, и.ф.д., проф. Собиров Ҳ.Р. суғуртанинг вужудга келиши билан боғлиқ муаммога ўз муносабатини билдириб шундай ёзади: “Суғурта тушунчаси пул ва кредит тушунчаларидан олдин шакллана бошлаган. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелида қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида суғурта деганда юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади. Шу билан бир қаторда ушбу қонуннинг шу моддасида суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит – аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий, стихияли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Суғуртани ўзига хос тегишли соҳалари мавжуд бўлиб улар иккита гуруҳга ажратилган. Масалан: ҳаётни суғурта қилиш ва умумий суғурта қилиш соҳаларига бўлинади. Ҳаётни суғурта қилишда фақат жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини ўзида қамраб олса, умумий суғуртада эса шахсий, мулкӣ суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш, ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари ҳисобланади. Суғурта соҳалари суғурта турларига бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори асосан “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида” ги Низомига мувофиқ белгиланган. Ушбу қарор Низомининг 1-иловасида суғурта тармоғи иккита гуруҳга ажратилган ҳолда тегишли суғурта фаолияти бўйича турларга ажратилган (1-2-жадвалларга қarang).

1-жадвал

**Ҳаёт суғуртаси тармоғи бўйича
суғурта класс(тур)лари**

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	Қуйидаги ҳолларда суғурта суммалари тўлаш бўйича суғурталовчининг мажбуриятларини назарда тутувчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами: - суғурта қилинувчининг суғурта муддати тамом бўлгунгача ёки суғурта шартномасида белгиланган ёшгача яшаши; - суғурта қилинувчининг вафот этиши; шунингдек суғурта шартномаси амал қилиши давридаги жорий тўловлар (аннуитетлар), III класс бундан мустасно
II класс	Никоҳ ва туғилиш	Никоҳга киришда ёки бола туғилганда суғурта суммаси тўланишини таъминловчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
III класс	Ҳаётни узок муддатли суғурта қилиш	Умрбод рента тўланиши билан биргаликда ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
IV класс	Соғлиқни суғурта қилиш	Кўрсатиб ўтилган суғурта даври камида беш йилдан кам бўлмаган муддатга ёки суғурта қилинувчининг пенсия ёшига етгунига қадар белгиланиши шарти билан бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса ёки касаллик ёки касалланиш туфайли қаттиқ шикастланиш

		натижасида меҳнатга лаёқатлиликини йўқотганда суғурта суммалари тўланишини таъминловчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами. Бунда шартномада кўрсатилган суғурта даври суғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас
--	--	--

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак суғурталовчилар томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари фақат ҳаёт суғуртаси тармоғи бўйича суғурта класс(тур)ларида ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқдалар.

2-жадвал

Умумий суғурта тармоғи бўйича суғурта класс(тур)лари

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
1-класс	Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Қуйидаги ҳолларда: а) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиқнинг қаттиқ шикастланиши, ёхуд; б) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган тақдирда, ёхуд; в) касаллик ёки муайян турдаги касаллик натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш, шу жумладан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари, бироқ 2-класс ва IV класс

		бўйича суғурта шартномаларини истисно қилган ҳолда, суғурта қилинган шахсга суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси ёки пул компенсацияси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
2-класс	Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси тўланишини ёки касаллик ёки соғлиқнинг издан чиқиши муносабати билан суғурта қилдирувчининг пул компенсацияси (ёки унинг ҳам, бунинг ҳам комбинацияси)ни таъминловчи суғурта турлари жами, бироқ ҳаётни суғурта қилиш тармоқларининг IV классни бўйича шартномаларни истисно қилган ҳолда
3-класс	Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш	Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар, ҳаракатланадиган темир йўл таркиби бундан мустасно, йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
5-класс	Авиация суғуртаси	Ҳаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жихозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари

		жами
6-класс	Денгиз суғуртаси	Денгиз ва ички дарё кемалари, кемаларнинг машина асбоб-ускуналари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юklar, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш	Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	Ер усти транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлардан фойдаланиш оқибатида, ташувчиларнинг

		жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
11-класс	Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш	Ҳаво кемасидан фойдаланиш оқибатида, авиаташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
12-класс	Денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш	Денгиз ва ички кемалардан фойдаланиш оқибатида, денгиз ташувчисининг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	10, 11 ва 12-классларда кўрсатилмаган таваккалчиликлар оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
14-класс	Кредитларни суғурта қилиш	Суғурта қилдирувчининг дебитори ночорлиги (банкротлик) ёки дебиторнинг суғурта қилдирувчи олдидаги қарзларни қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (ночорликдан ташқари) натижасида суғурта

		қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
15-класс	Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш	Суғурта қилдирувчининг ўзига берилган кафолатни бажариши мажбурияти натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш	Қуйидаги ҳолларда: а) суғурта қилдирувчининг бизнеси (хўжалик фаолияти) узилиб қолиши ёки суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) кўлами камайиши натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда; б) олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда (17-классда кўрсатилгандан ташқари); в) шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида мазкур даражанинг а) ва б) бандларида кўрсатилгандан бошқа нобудгарчиликларга учраганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
17-класс	Ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни	Суд муҳокамаси билан боғлиқ кўрилган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами

	суғурта қилиш	
--	---------------	--

Келтирилган 2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак суғурталовчилар томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари фақат умумий суғурта тармоғи бўйича суғурта класс(тур)ларида ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқдалар.

1.2 Суғурта ташкилотларининг ташкилий - ҳуқуқий асослари.

Ҳар бир суғурталовчилар қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади. Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг пул маблағларида шакллантириш керак бўлади. Суғурталовчиларнинг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг номи билан бир хил ёки улар билан чалкаштириб юбориладиган даражада ўхшаш белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, суғурталовчиларнинг филиаллари, шунингдек унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташкил этилган суғурталовчиларнинг номлари бундан мустаснодир. Суғурталовчининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган манзили ўзгарган тақдирда суғурталовчи бу ҳақда суғурта қилдирувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали, ўз ижросидаги бир йилдан ортиқ муддатли суғурта шартномалари бўйича эса – ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Ҳозирги кунда суғурталовчилар мулк шаклига кўра давлат, давлат акциядорлик ва маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган. Масалан: “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси давлат мулк шаклида “Ўзагросуғурта” “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта

компаниялари давлат очик акциядорлик шаклида ташкил этилган бўлса, “Silk Road Insurance”, “Standart Insurance”, “Temir Yo’l-Sugurta”, “Unipolis”, “Transinsurancse Plus” суғурта компаниялари маъсулият чекланган жамияти шаклида этилган. Ушбу компанияларини бундай шаклларда ташкил этилиши мустақиллигимизни шарофатидир. Чунки мустақилликдан олдин яъни 1917 йилдан то 1990 йилгача бундай ҳар хил шаклидаги суғурта компаниялари ташкил этилмаган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, давлат мулки, давлат-акциядорлик шаклида ва маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил этила бошланди. Шу билан бир қаторда суғурталовчилар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси ҳам ишлаб чиқилди. Масалан акциядорлик шаклидаги суғурта ташкилотларининг фаолияти «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун билан бир қаторда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солинади. Акциядорлик суғурта ташкилотлари ёпиқ ва очик турда ташкил этилиши мумкин.

Очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган “ALSKOM”, “Agro Invest”, “Finans Sug’urta”, “Kapital Sugurta”, суғурта ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларидан бири – улар акцияларининг фонд бозорида эркин савдога қўйилишидир. Ҳозирги кунда ушбу суғурта ташкилотлари томонидан сотувга чиқарилган акциялар тўлиқ инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлсада, улар иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди объектига айлангани йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, акциядорлик шаклидаги жамиятларнинг, шу жумладан суғурта ташкилотларининг олий бошқарув органи – акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши махсус ваколатига қуйидагилар киради:

- Суғурта ташкилоти низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- Суғурта ташкилотини қайта ташкил этиш;
- Суғурта ташкилотини тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний балансни тасдиқлаш;
- Суғурта ташкилоти кузатув кенгашининг таркиби ва сонини аниқлаш, унинг аъзолари ва раисини сайлаш;
- Ёлон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Суғурта ташкилотининг устав капиталини кўпайтириш;
- Суғурта ташкилотининг аудиторини тасдиқлаш;

Шуниси диққатга сазоворки, акциядорларнинг умумий йиғилиши бир йилда камида бир марта чақирилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши унда қатнашаётган акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг камида 60 фоиз овозга эга бўлса, ваколатли деб ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти кузатув кенгаши акциядорлар орасидан сайланиб, улар умумий йиғилиш орлағида акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя этади.

Суғурта ташкилоти кузатув кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Суғурта ташкилотининг устувор йўналишларини белгилайди;
- Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини белгилайди;
- Облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштиради;
- Суғурта ташкилоти филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этади ва тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-боби хусусий мулкка бағишланган бўлиб, унинг 207-моддасида «хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир», деб кўрсатилган. Суғурта ташкилотлари хусусий мулк шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Шунингдек суғурта ташкилоти масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамият шаклида ҳам ташкил этилади.

Масъулияти чекланган жамият деганда бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис хужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти тушунилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида алоҳида қайд этилган. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Биз юқорида суғурта ташкилоти қўшимча масъулиятли жамият шаклида ҳам барпо этилиши мумкин, деб таъкидлаган эдик. Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис хужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар масъулияти чекланган жамият шаклида тузилган суғурта ташкилотининг иштирокчилари бўлади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари бўлиши мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган суғурта ташкилоти иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим.

1.3 Хорижда суғурта фаолиятини ташкил этилиши.

Суғурта компаниясида самарали ташкилий тузилманинг асосий тамойили ўз мижозлари эҳтиёжини суғурта хизматининг баҳоси ва сифати орқали қондиришни назарда тутиб иш кўриш билан боғлиқдир. Компаниянинг асосий вазифаси суғурта хизматларини сотиш бўлиб, инвестиция, юридик, техник, актуар ҳисоб-китоблар бўлимлари унга хизмат қилувчилар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида суғурта хизматларини сотишнинг бир нечта усуллари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

- махсус суғурта воситачилари-брокерлар орқали;
- бевосита суғуртачининг офисида;
- суғурта хизматларини сотиш асосий вазифаси ҳисобланмайдиган мустақил воситачилар - банклар, супермаркетлар, почта бўлимлари орқали;
- суғурта агентлари орқали;
- телефон ёки интернет орқали.

Суғурта хизматларини сотишнинг қулай ва арзон усули бу полисни тўғридан тўғри суғуртачининг офисида ёки компаниянинг бирор бир шаҳобчасида сотиш ҳисобланади. Бу усулнинг камчилиги шундаки, у кам сонли, яъни суғурта хизматларини мустақил танлаб сотиб олувчи миждозларга мўлжалланган.

Агентлик шаҳобчалари суғурта хизматларини сотишда нисбатан самарали тармоқ ҳисобланади. Бу усулнинг устунлиги шундаки, агент миждозлар ўртасидан керагини танлаб, унга таклифнинг муҳимлилик даражасини ва суғурта полисининг зарурлигини етказиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам агентлар фаолияти фаол бўлмаган миждозлар билан ишлашда, ҳамда сотилиши мураккаб ҳисобланган суғурта хизматларини амалга оширишда самара беради. Шу билан бир қаторда агентлик шаҳобчаларидан фойдаланиш қимматга тушади ва рақобат бозорида уларни таъминлашга кетадиган харажатлар йиғиладиган суғурта мукофотларининг 60-65 фоизгача қисмини ташкил этади.

Кейинги пайтда ривожланган мамлакатларда суғурта хизматларини банклар орқали сотишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда суғурталанувчилар банк миждозлари бўлади. Суғурта хизматларини амалга оширишнинг бу усули унчалик ҳам қиммат ҳисобланмайди. Бунда банк хизматларини кўрсатувчи ходимлар махсус курслардан ўтиб миждозларга суғурта хизматларининг кўрсатишлари мумкин бўлади. Афсуски,

мамлакатимизда суғурта хизматларини банклар орқали сотиш йўлга қўйилмаган.

Ҳозирги кунда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда асосан узок муддатли ҳаёт суғуртаси полислари банклар орқали сотилади. Шунитаъкидлаш лозимки, банкларда бу турдаги суғурта хизматларни кўрсатиш бугунги кунда, айниқса, истиқболлидир.

Суғурта хизматларини сотишда у ёки бу усулнинг самарадорлиги мижоз суғурта хизматини сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилаётган вақтда аниқланади. Суғуртада қарор қабул қилиш мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичлардан иборатдир. Агар суғуртачи муваффақиятга эришмоқчи бўлса, бу босқичларининг ҳар бирида мижозга маълум даражада таъсир ўтказиши керак бўлади.

Юқорида биз суғурта хизматларини сотишнинг бевосита усулларини кўриб чиқдик. Лекин сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда суғурта хизматларининг билвосита савдосига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Билвосита савдода суғурта хизмати бирор бир бошқа хизмат, масалан банк хизмати билан биргаликда сотиладиди. Билвосита савдода самарага эришиш учун суғурта полисининг нархи асосий хизмат нархига нисбатан пастроқ бўлиши лозим.

Мижознинг эътиборини тортиш воситаси сифатида ривожланган мамлакатларда интернет орқали суғурталаш кенг йўлга қўйилмоқда.

Pricewaterhouse Coopers аудиторлик фирмасининг маълумотларига кўра жаҳон суғурта бозорининг интернет айланмалари 250 млн. долларни ташкил этмоқла, бу эса дунёдаги интернет савдоларидан тушадиган даромадларнинг 2-2,5 фоизини ташкил этади демакдир. Суғурта хизматларини интернет орқали сотиб олишнинг кенг тарқалиши интернетдан фойдаланувчилар сонининг ортишидан ташқари, интернет орқали шартномалар тузишнинг соддалиги ва тезлиги билан асосланади. Интернет майдонларидаги таҳлиллар натижаси шунитаъкидладики, суғуртачиларининг сайтида шартнома


тузадиганлар учун махсус чегирмалар мавжуд бўлиб, улар баъзи ҳолларда 20 фоизгача етади.

Интернет орқали суғурталаш бозори 90- йилларнинг ўрталарида АҚШда вужудга келди. Биринчи бўлиб суғурта брокерлари ўз сайтларига эга бўлдилар ва кейинчалик уларни барча турдаги суғурта хизматларини таклиф қилувчи йирик суғурта порталига айлантирдилар. Интернет орқали суғурталаш бозоридаги йирик суғурта порталларига 1994 йилда вужудга келган FindMyInsurance.com ва 1995 йилдан бери фаолият юритиб келаётган Ins.web.com кабиларни мисол келтириш мумкин. АҚШда интернет орқали суғурталаш бозорининг ривожланиш босқичи 1996-1998 йилларга тўғри келади. Бу даврга келиб ушбу секторнинг йирик лидерлари пайдо бўлди.

Охирги йиллар натижасига кўра Ins.web.com суғурта хизматларини сотиш бўйича энг яхши портал деб баҳоланди ва ҳозирда ушбу порталдаги савдоларда 40 дан ортиқ суғурта компаниялари иштирок этмоқда. Ҳар ойда портал 1 млн.га яқин ташриф буюрувчиларни ҳисобга олади (1-диаграммага қаранг).

1-диаграмма

Интернет орқали суғурталашдан фойдаланувчиларнинг ўсиш суръатлари⁴



⁴ www.allinsurance.ru

2000 йилда АҚШда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши интернет орқали суғурталашнинг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Шундан сўнг суғурта компаниялари ўз мижозларининг суғурта полисларини тўғридан тўғри электрон манзилларига юборадиган бўлдилар. Одатда полисни почта орқали ёки вакил орқали юборишга ўртача 10 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланар эди.

Интернет орқали суғурталаш хизматлари Ғарбий Европада ҳали АҚШдагидек on line бозор даражасига етмаган. Молиявий хизматларни интернет орқали сотувчи сайтлар Европада нисбатан кам, шу сабабли on line савдолардан келувчи даромадлар ҳам шунга яраша камдир. Бу кўрсаткич 2004суғурта хизматларини сотишдан келадиган умумий даромаднинг 1 фоизчасини ташкил этган (3-жадвал).

3-жадвал

АҚШда мижозлар томонидан энг кўп ташриф буюрилувчи суғурта сайтлари рўйхати⁵

/p	Сайт номи	Ташриф буюрувчилар сони (минг киши)
.	Ins.web.com	848
.	Geico.com	525
.	Progressive.com	520
.	Eterm.com	402

⁵ www.allinsurance.ru

.	Insure.com	308
.	MetLife.com	269
.	Allstate.com	251
.	Stftfarm.com	219

Суғуртачи учун ўзининг сайтини яратиш ёки ҳамкорларининг сайтларида ўзи ҳақида маълумотларни беришдан мақсад суғурта хизматлари савдосини рағбатлантиришдир. Суғурта хизматларидан келадиган фойдани ошириш учун суғурта компаниялари қуйидагилардан:

- суғурта компаниясининг ахборот бериш хусусиятига эга сайтларидан;
- суғурта компаниясининг виртуал офиси ҳисобланувчи сайтлардан;
- бир неча суғурта компаниялари хизматларини бир вақтнинг ўзида таклиф қилиш имкониятини берувчи суғурта порталларидан фойдаланадилар.

Хизматларини бозорга олиб чиқишдан манфаатдор суғурта компаниялари маълумотларни ўз интернет саҳифаларида жойлаштирадилар. Бунда компания фаолияти, ваколатхоналари, фаолиятига дахлдор маълумотларни ҳамда бошқа маркетинг ва реклама маълумотларини бериши мумкин. Барча жойлаштирилган маълумотлар фақат маълумот бериш хусусиятига эга бўлиб, суғурта хизматларни бозорга олиб чиқишнинг дастлабки босқичида миждозларни жалб қилишда фойда беради.

Суғурта компаниясининг сайти виртуал офисга айланиши учун сайт қуйидагиларни, яъни:

- танланган суғурта тури ва тўлдирилган аризага кўра суғурта полисига буюртма бериш, расмийлаштириш ва сотишни ўз ичига олиши;

- суғурталанувчи учун йиғилган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта қопламалари ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттириши зарур.

Агар суғурта компаниясининг сайти юқоридаги талабга жавоб берса, уни тўлақонли виртуал офис дейиш мумкин. Интернет ваколатхонага ташриф буюрган ҳар бир мижоз ўзини тизимда рўйхатдан ўтказиши лозим, шундан сўнг у суғурта мукофотини ҳисоблаш учун аризани зарур маълумотлар билан тўлдиради ҳамда мижоз ўзига мос тўлов турини танлайди, бу пластик карточка орқали, нақд ёки нақд пулсиз шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари мижоз полисни қандай олиш усулини ҳам танлайди, бу воситачи орқали ёки бевосита компаниянинг офисида бўлиши мумкин. Шундай моделга асосланган сайтлар суғурта хизматларни сотишда яхши самара беради деб ҳисоблаймиз.

Сотиш ҳажмини ошириш ва янги мижозларни жалб қилиш мақсадида суғурта компаниялари ўз таклифларини йирик суғурта компаниялари маълумотларини ўзида мужассамлаштирган порталларда жойлаштиришлари мумкин. Порталга кирган мижоз турли суғурта компаниялари томонидан таклиф қилинаётган айнан бир турдаги суғурта хизматлари нархини солиштириши, у ёки бу турдаги суғурта хизматлари таркибига яна қандай қўшимча хизматлар киритилганлигидан хабардор бўлишлари мумкин бўлади.

Бундай портал савдо иштирокчиларини on line тизимда суғурта полисини сотиб олиш мумкин бўлган ягона виртуал суғурта тизимига бирлаштиради. Битта порталда турли компаниялар хизматлари таклиф қилинади. Одатда порталга ташриф буюрган мижозга, аввало, ўзига керакли суғурта дастурини танлаш таклиф қилинади, шундан сўнг суғурта компанияси танланади. Шунингдек битта виртуал майдонда бир вақтнинг ўзида бир нечта суғуртачиларнинг бир турдаги суғурта хизматларини таклиф

килишлари орқали суғурталанувчига танлаш имконияти берилади. Порталнинг ахборот тизими автоматик тарзда суғурта мукофотларини ҳисоблаб, суғурталанувчига турли компанияларда суғурталаш бўйича вариантларни таклиф қилади. Суғурта порталлари модели оммавий стандарт ҳисобланувчи рисклардан суғурталашга жуда қулайдир.

Оммавий стандарт ҳисобланувчи суғурта турларига ҳаёт суғуртасининг барча хилларини, бахтсиз ходисалар суғуртаси, касалликлар суғуртаси, транспорт воситалари суғуртаси, фуқороларнинг мол-мулки суғуртаси, автотранспорт воситаларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги суғуртасини киритиш мумкин.

Шундай қилиб интернетдан фойда олиш мақсадида фойдаланувчи суғурта компаниялари юқоридаги моделларидан бирини танлашлари мумкин бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда фаолият кўрастиб келаётган айрим суғурта компаниялари ҳозирда ўз веб-сайтларига эгадирлар. Жумладан, «Ўзбекинвест» ЭИМСК www.unic.gov.uz, «Ўзагросуғурта» ДАСК www.agros.uz, «Кафолат» ДАСК www.kafolatdask.uz, «IShONCh» БСК www.ishonch.iic.uz каби сайтларга эгадирлар. Бироқ бу сайтлар орқали юқорида баён қилинганидек имкониятлар мавжуд эмас. Ушбу сайтлар асосан компания ҳақида маълумотлар бериш имкониятига эгадир.

II Боб. “Ўзбекинвест” ЭИМСК ва “Кафолат” ДАСК суғурта ташкилотларининг ташкил этилиши ва уларни асосий фаолият кўрсаткичлари таҳлили

2.1 “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этилиши ва асосий фаолият кўрсаткичларини таҳлили

Ўзбекистонда молиявий тизимни шаклланиб бориши ва халқаро амалиётда фойдаланиладиган молиявий зарардан ишончли ҳимоя қилишни ривожлантиришда қўйилган ўзига хос қадамлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 13 апрелдаги 206-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини ташкил этилди. Ушбу компания экспорт ўсишини рағбатлантириш, Ўзбекистонлик экспортчиларни суғурта ҳимоясига олиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро технологиялар, товарлар ва хизматлар бозорига комплекс маркетинг услублари воситасида кириб боришини таъминлаши мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги Қарори билан «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси этиб қайта ташкил этилган.

Компаниянинг устав жамғармаси 60 млн.АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, таъсисчилар томонидан: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 50 млн. АҚШ доллари ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки 10 млн. АҚШ доллари киритилган.

«Ўзбекинвест» олдига республика ҳукумати томонидан қўйилган асосий вазифа - хорижий инвесторлар ва миллий экспортёрларни инвестиция ва тадбиркорлик фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, қалтисликлардан ишочли суғурта кафолатлари билан таъминлашни ҳал этиш қуйидагиларни назарда тутди:

- хорижий ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилувчи сиёсий ва тижорат рискларидан чет элдаги миллий экспортёрларни иқтисодий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш;

- экспорт кредитларининг халқаро тамойилларга биноан технология товар ва хизматларни экспортини молиялаштириш учун кредитлар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг резидент тижорат банкларига суғурта ҳимояларини тақдим этиш;

- технология, товар ва хизматлар халқаро бозорининг ривожланиш истиқболларини ва ҳолатини комплекс маркетинг таҳлилини ташкил этиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт имкониятларини органиш ва технология товар ва хизматларни халқаро бозорларда тақдим этиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига капитал қўйилмаларни амалга ошираётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК бугунги кун амалиётида ўзининг 70 дан ортиқ суғурта хизматлари мавжуд. Компаниянинг суғурта хизматлари умумий гуруҳларга ажратилганда қуйидаги йўналишларга бўлинади:


- хорижий инвестицияларни суғурталаш;
- ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини умумий қалтисликлардан суғурталаш;
- экспорт қалтисликларини суғурталаш;
- жисмоний шахсларни суғурталаш;

Шунингдек компания томонидан суғурта хизматлари кўрсатилишининг ўзига хос томони ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятнинг барча босқичларини амалга ошириш жараёнида юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳамма турдаги қалтисликлар бўйича суғурта қопламаси тақдим этилишининг узлуксизлигини таъминлаш имконияти борлигидан далолат беради.

Бозорнинг молиявий инфратузилмасини шакллантириш бўйича умумдавлат устувор йўналишларини амалга ошириш ва янги суғурта хизматларини жорий этиш ҳамда янги суғурта улушларини ва сегментларини ўзлаштириш натижасида Компаниянинг мамлакат суғурта бозоридаги соф ва ялпи суғурта мукофотлари улуши ўзгача тус олмоқда.

2-диаграмма

Суғурта мукофотлари динамикаси⁶ (млрд.сўм)




Юқорида келтириб ўтилган, 2-диаграмма маълумотларида кўриниб турганидек, 2007 йилда компания томонидан йиғилган суғурта мукофотлари 16.4 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 8.9 млрд сўмни ташкил этган яъни 2007 йилиниқидан 7.5 млрд.сўм кам йиғилган бўлиб, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 20.2 млрд сўм яъни 2008 йилга нисбатан 11.3 млрд сўм ортиғи билан суғурта мукофоти йиғилган.

3-диаграмма

Шартномалар сони⁷

⁶ «Ўзбекинвест» ЭИМСКни ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.


⁷ «Ўзбекинвест» ЭИМСКни ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.



3-диаграммада келтириб ўтилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, шартномалар 2007 йилда 65248 та бўлиб, 2008 йилга келиб 61651 та яъни 2007 йилда тузилган суғурта шартномаларига нисбатан 3597 та суғурта шартномаси кам тузилган бўлса, 2009 йилга келиб суғурта шартномалари сони 148943 тани ташкил этган яъни 2008 йилдагига нисбатан 87292 та суғурта шартномалар сони кўп тузилган.

Суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўм)⁸


4-диаграмма



Юқорида қайд этилган 4-диаграмма маълумотларига қарайдиган бўлсак, суғурта тўловлари 2007 йилда 3.29 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 3.15 млрд сўм яъни 2007 йилга нисбат 0.14 млн сўм суғурта тўловлари кам тўланганлигини тасдиқлайди 2009 йилда эса 5.15 млрд.сўм миқдорида суғурта тўловлари амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 2 млрд.сўм миқдорда суғурта тўловлари кўп тўланган.


⁸ «Ўзбекинвест» ЭИМСКни ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари динамикаси⁹
(млрд.сўм)



5- диаграммада қайд этиб ўтилган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2007 йилда компания томонидан қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 4290.2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 4290.4 млрд.сўм яъни 2007 йилга нисбатан 0.2 млн.сўмга кўпайган бўлса, 2009 йилда эса 9262.6 млрд.сўм миқдорида суғурта мажбуриятлари қабул қилинган яъни 2008 йилниқига нисбатан 4972.2 млрд.сўм миқдорида суғурта мажбуриятларини қабул қилган.

Суғурта заҳиралари динамикаси¹⁰
(млрд.сўм.)



Юқоридаги 6–диаграмма келтириб ўтилган суғурта заҳиралари 2007 йилда 10.7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилда эса 12.4 млрд.сўм

⁹ «Ўзбекинвест» ЭИМСКни ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

¹⁰ «Ўзбекинвест» ЭИМСКни ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

миқдорида суғурта заҳиралари шаклланган бўлиб, 2007 йилга нисбатан 1.7 млрд.сўмга суғурта заҳиралари кўп бўлса, 2009 йилда 14.1 млрд. сўм бўлса 2008 йилга нисбатан 1.7 млрд сўмга ошган суғурта заҳиралари.

Шунингдек “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси миллий суғурта бозорида юридик шахслар билан тузилган шартномалар бўйича ва суғурта мукофотлари ҳажмига кўра етакчи суғурта компанияларидан бирига айланиб қолмоқда (-жадвалга қаранг).

4- жадвал

**Суғурта мукофотлари ҳажмига кўра етакчи суғурта компаниялари
улуши (%да)¹¹**

т/р	Юридик шахслар билан тузилган шартномалар бўйича етакчилар	Суғурта бозоридаги улуш (%да)
1.	“Ўзбекинвест” ЭИМСК	17.9
2.	“Uvt inshurans” ДПСК	14.8
3.	“Ўзагросуғурта” ДАСК	14.2
4.	“Кафолат” ДАСК	6.1
5.	“Asia insurance” СК	4.9
6.	“Алфа инвест” СК	4.2
7.	“Темир-йўл суғурта” СА	3.9
8.	“Агро инвест суғурта” ОАЖ	3.9
9.	“Universal Suq’urta” СК	3.0
10.	“Капитал суғурта” ОАЖ	3.0

Юқорида келтириб ўтилган 4-жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак агар, унда суғурта бозорида суғурта мукофотлари ҳажмига кўра етакчи суғурта компаниялари улуши келтирилган. Унда 10 та суғурталовчи компания суғурта бозорида етакчилик қилмоқда. Аксарият йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми “Ўзбекинвест” ЭИМСК 17.9 %, “Uvt inshurans” ДПСК 14.8 %, “Ўзагросуғурта” ДАСК 14.2 %, “Кафолат” ДАСК 6.1 % суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

¹¹ БВВ №32 (1245) 27 апреля 2010 г.

2.2 “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этилиши ва асосий фаолият кўрсаткичларини таҳлили.

Охирги йилларда Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши бир маромда бўлди ва барча асосий иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш суръатлари кузатилди. Шунингдек мамлакатимиздаги қулай макроиқтисодий муҳитнинг мавжудлиги суғурта бозорининг муваффақиятли фаолият юритиши ҳамда бир каторда ижобий натижаларга эришиш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Хусусан, миллий суғурта тизимида ислохотларни жадаллаштириш, республикамизда ривожланган суғурта инфратузилмасини яратиш борасида салмоқли қадамлар билан игарилаб бормоқда. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, 2008 йилнинг 22 октябридан кучга кирган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2009 йилнинг 17 октябридан кучга кирган “Иш берувчининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари суғурта бозорининг ривожланишини янги босқичини бошлаб берди. Ушбу қонунлар асосида шакллантирилган суғурта хизмат турлари билан “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компанияси ҳам миллий суғурта бозорида ўзининг фаол хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ушбу компания 15 та филиал, 38 та бўлим ва 70 дан ортиқ агентликни ўзига бирлаштирган.

“Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компанияси 1997 йилнинг 14 мартда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган. Бу компания ҳам суғурта операциялари ҳажми ва устав капитали миқдори жиҳатидан республикамиздаги йирик суғурта ташкилотлари таркибига киради.

“Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компаниясини устав капитали 8.2 млрд.сўмни ташкил этади. Компаниянинг акциядорлари бўлиб:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси;
- “Ўзбекинвест” Миллий экспорт-импорт суғурта компанияси;
- “Ипак йўли” очик акциядорлик инновацион – тижорат банки;
- Олмалик тоғ-металлургия комбинати;
- Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки;
- Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ҳисобланади.

Компанияни ташкил этиш тизимида суғурта маркетингини қуйидагича (1-чизмага қаранг).

1 -чизма¹²

ДАСК “Кафолат”ни ташкил этиш тизимида суғурта маркетингининг ўрни

Бош дирекция

- Стратегияни танлаш, миллий ва халқаро режалаштириш
- Сотиш тизимини ривожлантириш сиёсати
- Таркибий тузилмаларни режалаштириш, компания бўлинмаларининг ўзаро муносабатлари тизимини бунёд этиш
- Компания суғурта фаолиятини диверсификациялаш (кенгайтириш)
- Обрў-эътибор соҳасидаги сиёсат
- Сифатни қўллаб-қувватлаш
- Корпоратив маданият

¹² Манба:

Ахборот бериш
кўрсатиш

Ёрдам



Ҳозирда компания умумий суғурта тармоғининг барча 17 та класслари бўйича суғурта операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг СФ№00117 лицензиясига эга.

“Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компанияси томонидан ҳозирги кунда юридий шахслар – корхона ва муассасаларга, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига транспорт воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлигини ва иш берувчининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, мулк суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, касбий

жавобгарлик суғуртаси, ихтиёрий тиббий суғурта, гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини комплекс суғурталаш, ипотека суғуртаси, лизингга олинаётган мулк ва транспорт воситаларини суғурталаш каби 72 та суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда.

Компаниянинг корпоратив мижозлари бўлиб, “Ўзтарансгаз” АК, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, АИЧБ “Ўзметкомбинат”, “Оҳангаронцемент” АЖ, “Оҳангароншифер” АЖ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки, “Ҳамкорбанк” ОАТБ, Ички Ишлар Вазирлиги, Ташқи Ишлар Вазирлиги, Миллий Хавфсизлик Хизмати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги, Давлат Божхона Қўмитаси, Давлат Чегараларини Ҳимоя Қилувчи Қўмита лари ҳисобланади.

Компания қайта суғурталаш операциялари бўйича “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, “Трансиншурансе” ҚК, “Алфа Инвест” каби суғурта компаниялари билан, хорижий компаниялардан эса Латвиянинг суғурта компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

5-жадвал

Компаниянинг суғурта портфели тузилмаси¹³

т/р	Суғурталаш турлари	суғурта портфели (млн.сўмда)	суғурта портфели %да
1	Мулкий суғурта	3279.8	78.4
2	Шахсий суғурта	842.3	20.1
3	Жавобгарлик суғуртаси	61.4	1.5

Юқорида келтирилган 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, компаниянинг суғурта портфелини асосини мулкий суғурта турлари бўйича

¹³ “Кафолат” ДАСК 2009 йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланган.

шаклланиб яъни 3279.8 млн.сўм бўлиб, 78.4 фоизни ташкил қилмоқда. Шахсий суғурта эса суғурта портфелини шакллантиришда иккинчи ўринни эгаллаб турибди, яъни 842.3 млн.сўм бўлиб, 20.1 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу жадвал таҳлилини бир сўз билан айтганда компаниянинг асосий фаолияти мулкӣ ва шахсий суғурта йўналишларида суғурталаш яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

6-жадвал


Шахсий суғуртанинг таркиби¹⁴

т/р	Шахсий суғурта турлари	Млн.сўмда	Фоизда (%)
1	Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш	702.2	83.4
2	Касаллик суғуртаси	27.6	3.3
3	Хорижга чиқувчини суғурталаш	52.6	6.2
4	Бошқалар	59.9	7.1

Маълумки компаниянинг асосий фаолият йўналишлари бир бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўлиб, бахтсиз ҳодисалардан суғурталашдан тушган суғурта мукофотлари 702.2 млн.сўм бўлиб 83.4 фоиз бўлса, касаллик суғуртаси 27.6 млн.сўм бўлиб, хорижга чиқувчининг суғурталаш эса 52.6 млн.сўм бўлиб 6.2 фоизни (%) ташкил этмоқда.

7-диаграмма

Суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари бўйича улушлари¹⁵




¹⁴ Кафолат” ДАСК 2009 йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланган.

¹⁵ Кафолат” ДАСК 2009 йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланган.

7 – диаграмма маълумотларида суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари бўйича улушлари келтириб ўтилган. Унда суғуртанинг ихтиёрий тури бўйича улуши 42 фоизни ташкил қилган бўлса суғуртанинг мажбурий тури бўйича улуши 58 фоизни ташкил этмоқда. Яъни суғуртанинг ихтиёрий тури бўйича улуши суғуртанинг мажбурий тури бўйича улушидан 16 фоиз кам бўлмоқда. Бу шундан далолат берадики “Кафолат”ДАСК да суғуртанинг мажбурий турлари бўйича мукофотлар асосий ўринни эгаллайди.

8- диаграмма

Жавобгарлик суғуртасининг таркиби¹⁶



Юқорида келтирилган 8-диаграмма маълумотларига қарайдиган бўлсак, компаниянинг жавобгарлик суғуртасини таркиби бўлиб, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғурта қилиш 77 фоизни, касбий жавобгарлик суғуртаси 20 фоизни ҳамда бошқалари 3 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ерда шуниси диққатга сазоворки компанияни асосий йиғилган суғурта мукофотлари улуши транспорт

¹⁶ Кафолат” ДАСК 2009 йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланган.

воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлигининг мажбурий суғурта қилиш тўғри келади.

Шунингдек суғурта бозорида “Кафолат” ДАСК жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари ҳажмига кўра етакчи суғурта компанияларидан бири ҳисобланади (6- жадвалга қаранг).

6-жадвал

**Суғурта мукофотлари ҳажмига кўра етакчи суғурта компаниялари
улуши (% да)¹⁷**

т/р	Жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича етакчилар	Суғурта бозоридаги улуш (%да)
1.	Ўзагросуғурта” ДАСК	42.0
2.	“Кафолат” ДАСК	13.2
3.	“Алфа инвест” СК	8.8
4.	“Алском” СК	7.1
5.	“Asia insurance” СК	6.1
6.	“Капитал суғурта” ОАЖ	5.4
7.	“Ўзбекинвест” ЭИМСК“	3.4
8.	“Transinsurance plus” СК	2.7
9.	“Ўзбекинвест ҳаёт” ШСК	1.4
10.	“Unibaltik Insurance” СК	1.3

Келтирилган 5-жавдал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, бунда суғурта бозорида суғурталовчиларнинг жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари ҳажмидаги улуши келтириб ўтилган. Бунда асосан аксарият суғурта мукофотлари ҳажми Ўзагросуғурта” ДАСК 42.0 %, “Кафолат” ДАСК 13.2 %, “Алфа инвест” СК 8.8 %, “Алском” СК 7.1 %, “Asia insurance” СК 6.1% суғурталовчилар ҳиссасига тўғри келади.

¹⁷ БВВ №32 (1245) 27 апреля 2010 г.

III Боб. Суғурта ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

3.1 Суғурта ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб мамлакатимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз берди. Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йилнинг 21 майдаги 872-сонли Президент қарори ҳамда 2010 йилнинг 26 ноябрда ПҚ №-1438-сонли Қарорига асосан суғурталовчиларни устав капиталининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

Суғурталовчиларнинг устав капиталининг энг кам миқодлари тўғриси маълумот¹⁸

т/р	Суғурта соҳалари	Ўзбекистон Республикасини 2008 йилнинг 21 майдаги № 872-сонли Президент қарорига асосан	Ўзбекистон Республикасини 2010 йилнинг 26 ноябрда № 1438-сонли Қарорига асосан
1.	Умумий суғурта соҳасида	750 минг еврога эквивалент суммада	1.5 млн. еврога эквивалент суммада
2.	Ҳаётни суғурта қилиш	1 млн еврога	2 млн. еврога

¹⁸ Давлат суғурта назорати инспекцияси маълумотлари асосида тайёрланган.

	соҳасида	эквивалент суммада	эквивалент суммада
3.	Мажбурий суғурталаш бўйича	1.5 млн еврога эквивалент суммада	3 млн. еврога эквивалент суммада
4.	Қайта суғурта қилиш бўйича	4 млн еврога эквивалент суммада	6 млн. еврога эквивалент суммада


Ўзбекистон Республикасини 2008 йилнинг 21 майдаги 872-сонли Президент қарори бўйича келтирилган энг кам устав капитали миқдорини суғурталовчилар 2010 йилнинг 1 январигача кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилиши таъминлаш зарур деб ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикасини 2010 йилнинг 26 ноябрда № 1438-сонли Қарори бўйича келтирилган энг кам устав капитали миқдорини суғурталовчилар 2015 йилнинг 1 январигача кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилиши таъминлаш зарур деб ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда белгиланган вақтдан бошлаб мазкур қарорнинг талабларига жавоб бермайдиган суғурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрилиши таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта фаолиятини янада рақобатбардошлиги ошириш мақсадида суғурталовчилар сони янада кўпайди. Масалан 2011 йилнинг январидан бошлаб суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурталовчилар 34 тани ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, миллий иқтисодиётимизни янада ривожланиб бораётганлигини билдиради. Бу ўз навбатида суғуртага бўлган талабни сезиларли даражада оширишни талаб этади. Шу билан бир қаторда суғурта тариф ставкаларини бир маромда ушлаб туришни тақоза этади. Шунингдек 2007 йил билан 2011 йиллар оралиғида суғурталовчилар ўзига хос мулкчиликнинг турли шаклларида ташкил этилган (9-дигараммага қаранг).

Суғурта компанияларини мулкчиликнинг турли шаклларида ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот¹⁹



9-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилдан бошлаб суғурталовчилар сони 34 тани ташкил этиб, улар мулкчиликнинг қуйидаги шаклларида ташкил этилганлиги келтириб ўтилган. Унга асосан 17 та маъсулияти чекланган жамият, 13 та акциядорлик жамияти, 3 та шўъба хўжалик жамияти ва 1 та унитар корхона сифатида ташкил этилган.

Бугунги кунда суғурта фаолиятини юритувчи суғурталовчилар сони кўпайгани жуда қувонарли бўлса, уларни ҳудудларда ташкил қилинган фаолиятларини жонлантириш керак. Шундагини биз суғурта фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштирган бўламиз. Шу билан бир қаторда суғурталовчилар фаолиятини ҳаёт суғуртаси тармоғи бўйича ихтисослашган ҳолда ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳолат биринчи навбатда суғурталовчиларни қўшимча инвестиция фаолиятини амалга ошириш имкониятини яратади. Бу ўз навбатда суғурталовчиларни ҳудудларда филиалларини ва ваколатхоналарини ташкил қилишга олиб келади. Шунингдек суғурта бозорида мавжуд потенциал суғурталовчилар сони камайтириш керак. Бунинг учун суғурталанувчилари ўртасида суғурта

¹⁹ Давлат суғурта назорати инспекциясини маълумотлари асосида тайёрланган.

маданиятини ошириш ҳамда янги суғурта маҳсулотларини яратиш керак. Яъни шундай суғурта маҳсулотлари бўлиш керакки у суғурталанувчиларга мақбул қулай бўлиши ва улар ҳаётини ажралмас бўғини бўлиши керак. Бундай жараёнларни амалга ошириш учун мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёни кўламини кенгайтириш ва фуқороларни иш билан бандлик даражасини янада кўтаришни талаб қилади. Шунинг эътибор олиш лозимки суғурталовчилар фаолияти қанчалик даржада кўп ташкил қилинса, шунчалик даражада суғуртага бўлган талаб ва таклиф юқорилигини билдиради. Суғуртага бўлган талаб қанча юқори бўлса шунчалик даржада суғурта маҳсулотлари таклиф этилади. Бу ўз-ўзидан суғурта фаолиятини ташкил этилишни такомиллаштиради.

Хулоса ва таклифлар

Маълумки ҳар бир давлат иқтисодиётини ривожланишига шу давлат бозор инфратузилмаси ўзининг ижобий ва салбий таъсирини кўрсатади. Суғурта бозорида ҳам суғурта фаолияти амалга оширишда суғурта бозор инфратузилмасининг субъектларини роли жуда катта. Шунга кўра, ҳозирда суғурта фаолиятининг ривожлантирилиши, унинг самарали ташкил этилиши мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мувоффақиятли амалга оширганлигидан далолат беради.

Охириги йилларда ҳукуматимиз томонидан суғуртага бўлган эътибор жуда катта қаратилмоқда. Бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини ривожланишида суғуртани ўрни бекиёслигидан далолат беради. Шунга кўра мен битирув малакавий ишимда суғурта ташкилотларини ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларимни ишлаб чиқишга мувоффақ бўлдим.

1. Ҳар бир фуқоро суғурта қилишда ўзининг шахсий манфаатини ва ижтимоий муҳофазани ўйлаган суғурта қилдирадида, суғурта муддати тугагандан сўнг суғуртага бўлган ишончини йўқотади. Бу ўз навбатида потенциал суғурталанувчилар сонини янада ошишига олиб келади. Бунинг суғурталовчи ўртасида ҳар хил дикторина ўйинлари ва уларга сабоқ бўладиган саволлар унга мос жавобларни телвидиния орқали намоиш этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

2. Маълумки охириги йилларда суғурта бозори кўрсатиладиган янги суғурта хизматлари кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга борган сари суғурталанган объектларни рисклилиқ даражаси ҳар хил табиий омиллар таъсирида юқори бўлиб бормоқда. Шунинг учун қайта суғурталаш муносабатларини амалга ошириш зарур бўлиб қолмоқда. Баъзи ҳолларда факултатив қайта суғурта муносабатлари яхши амалга оширилмоқда лекин облигаторли қайта суғурталаш муносабатлари суғурталовчига баъзи бир муаммоларни олиб келмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон миллий суғурта

бозорида ихтисослашган қайта суғурталовчи компанияларни филиаллар ва ваколатхоналарини ҳудудларда ҳам ташкил этиш керак.

3. Охирги йилларда суғурталовчиларда мижозлар билан ишлашни янада кенгайтириш талаб этилмоқда. Лекин биз мижозлар билан ишлашни асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексини 52-бобида тегишли моддаларга асосан муносабатлар амалга оширилмоқда. Ушбу бобдаги моддаларда суғурталанувчиларни суғурталовчилар олдидаги жавобгарлиги яхши – ёритилмаганда аммо суғурта шакли ва турлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ акс эттирилган. Шунинг Ўзбекистонда ҳам суғурта бўйича охирги ўзгартиришлар бўйича Фуқоролик Кодексини яратиш керак.

4. Суғурталовчиларни энг кам устав капиталига йиллар мобайнида ўзгартиришлар киритилмоқда. Бу ўз навбатида суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради. Лекин уларни молиявий барқарорлиги айtilган даражада эмас. Бунинг учун суғурталовчиларни жойларда филиалларини ва ваколатхоналари ташкил қилган ҳолда уларни ҳаётни суғурта бозорида иштирокини таъминлашни кенгайтириш зарур деб ҳисоблайман.

5. Маълумки ҳар бир соҳани назорат қилишни ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу назоратчи орган ушбу соҳадаги мавжуд мижозлар ишончини янада мустаҳкамлайди. Шундай экан суғурта фаолиятида ҳам жойларда суғурта назорат ипекцияси бўлимларини ташкил этиш керак. Бу ўз навбатида суғуртадаги мижозлар ишончи янада юксалтиришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

6. Суғурталовчи ва қайта суғурталовчиларга ҳукуматимиз томонидан уларга солиқ имтиёзлари берилган яъни 2008 йилдан 2011 йилгача. Шунингдек ушбу солиқдан бўшайдиган пул маблағлари компаниянинг моддий техник базасини ривожлантириш мақсадида сарфланиши белгиланган. Шунинг учун солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш орқали суғурта фаолияти ривожлантирилишини рағбатлантириш керак.

Масалан суғуртанинг маълум бир тармоғи ва классификаторлари бўйича энг кўп суғурта мукофотини амалга оширган суғурталовчиларга суғурта ишида бонуслар яратиш орқали рағбатлантириб бориш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.-496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». - Т.: 2002 й. 5 апрель. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3022-сон Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 1 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 286-сонли Қарори. 1998 йил 8 июль. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари, 4-илова, - Т.: 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 113-сонли Қарори. 1997 йил 28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, 1997, 2-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли Қарори. “Банк ахборотномаси” 2007 йил 6 июнь.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги 177-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги №321-сонли Қарори “Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлигини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғридаги Низомни тасдиқлаш ҳақида.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. – Халқ сўзи, 2008 йил 21 апрель.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2008 йил 22 май.
13. "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. “2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида” 2009йил 13 феврал.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.Т:Ўзбекистон, 2009.56 б.
16. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 14 феврал.
17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиз. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2010 йил 27 январь.

18. Prezident Islom Karimovning 2010 yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2011 yilga mo'ljallangan eng muhim ustuvor yo'nalishlarga bag'ishlangan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi. 2011 yil

19. Каримов И.А. Энг асосий мезон-хаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т.:Ўзбекистон,2009.24 б.

20. Каримов И. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишдир. «Халқ сўзи», 2003 йил 18 февраль.

21. Каримов И. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз.Халқ сўзи, 2004 йил 10 февраль.

22. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.

23. Страхование дело: Учебник. В 2 т. (пер. с нем. О.И. Крюгер и Т.А. Федоровой). - т.1: Основы страхования / под ред. О.И. Крюгер. - М.: Экономистъ, 2004. - 447 с.

24. Климова М.А. Страхование: Учеб. пособие. - М.: Издательство РИОР, 2004. - 137 с.

25. Маҳмудова Л. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Т.: ТАҚИ, 2004 й.

26. Шеннаев Х.М.,Суғурта агентлари учун қўлланма.Ўқув қўлланма.-Т.:info СОМ.UZMЧЖ нашриёти, 2010й.

27. Ардатова М.М., Болинова В.С., Кулинова А.Б., Яблукова Р.З. Страхование: Учебное пособие.-М.: Проспект, 2006.

28. Страхование. Под редакцией проф.Т.А.Федоровой. Учебник.-М.:Магистр. 2008 г.

29. Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика.-М.; Волстер Клувер, 2007.

30. Гушценко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учебное пособие.-М.: Финансы и статистика, 2006.

31. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес : Словарь-справочник Р.Т.Юлдашев – М., Анкел, 2005.
32. ХўжаевЙ.Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта.Ўқув қўлланма.-Т.:Солиқ академияси, 2005.
33. “Ўзбекинвест” ЭИМСК 2009 йиллик ҳисоботи маълумотлари.
34. “Кафолат” ДАСК 2009 йиллик ҳисоботи маълумотлари.
39. БВВ №32 (1245) 27 апреля 2010 г.

Интернет сайтлари

40. www.expert.ru.
41. www.ankil.ru.
42. www.unic.gov.uz.
43. www.UzReport.com.